“Ўзбекистон республика валюта биржаси” акциядорлик жамиятининг Кузатув кенгашининг 2023 йил “23” октябрдаги 288-сонли қарори билан “ТАСДИҚЛАНГАН”

“Тошкент” республика фонд биржаси” акциядорлик жамияти аъзоларини соддалаштирилган тартибда “Ўзбекистон республика валюта биржаси” акциядорлик жамияти аъзолигига қабул қилиш тўғрисида ягона Тартиб

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Тартиб Ўзбекистон Республикасининг “Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида”ги, “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 2 сентябрдаги ПҚ-291-сон “Капитал бозорини ривожлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарор, “Ўзбекистон республика валюта биржаси” акциядорлик жамияти (кейинги ўринларда - ЎзРВБ) ва “Тошкент” Республика фонд биржаси” акциядорлик жамиятининг (кейинги ўринларда – “Тошкент” РФБ) уставлари асосан ишлаб чиқилган ҳамда “Тошкент” РФБ аъзоларини давлат қимматли қоғозлари билан операцияларни амалга ошириш бўйича ЎзРВБнинг аъзолигига қабул қилиш ва икки биржа аъзоларини ўзаро тан олиш тартибини белгилайди.

2-боб. Биржа аъзолигига қабул қилиш ва ўзаро тан олиш тартиби

2. ЎзРВБ аъзолигига “Тошкент” РФБ аъзоларини соддалаштирилган тартибда қабул қилишда мазкур Тартибнинг **1-иловасида** белгиланган маълумотлар асосида ягона электрон маълумотлар базаси (кейинги ўринларда - ЯЭМБ) шакллантирилади.

Биржа аъзолигига қабул қилиш ариза асосида ЯЭМБда мавжуд маълумотларни текшириш орқали амалга оширилади.

ЯЭМБга маълумотлар масъул ходимлар томонидан киритилади ҳамда ҳар чоракда камида бир марта даврий равишда янгилаб борилади.

“Тошкент” РФБ аъзоси ЎзРВБнинг савдо тизимида давлат қимматли қоғозлари билан операцияларни амалга ошириш ва савдоларда қатнашиш ҳуқуқини берувчи “В” тоифаси бўйича аъзолигига қабул қилинади.

3. “Тошкент” РФБ аъзоси (кейинги ўринларда - талабгор) ЎзРВБ Ижроия органи номига аъзоликка қабул қилиш ҳақида **2-иловага** мувофиқ ариза топширади (қоғоз шаклда ёки электрон шаклда).

4. Аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

қайдлов варақчаси (**3-илова**);

трейдерларнинг рўйхати (**4-илова**);

савдо тизимида операцияларни амалга ошириш учун ишончнома (**5- илова**);

биржа савдолари бўйича ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун махсус ҳисобрақамлар рўйхати (**6-илова**);

мансабдор шахсларнинг имзо намуналари туширилган варақча.

5. ЯЭМБда “Тошкент” РФБ аъзосига тегишли бўлган маълумот тўлиқ мавжуд бўлмаган тақдирда, мазкур маълумот талабгор томонидан қўшимча равишда тақдим этилиши керак.

6. Талабгор томонидан тақдим этилган ариза ва ҳужжатларни ЎзРВБнинг масъул ходими ЯЭМБда мавжуд маълумотларни текшириш орқали кўриб чиқади.

7. Текшириш жараёнида топширилган ҳужжатлар ва маълумотларда камчиликлар мавжуд бўлмаса, талабгорни ЎзРВБнинг “В” тоифаси бўйича аъзолигига қабул қилиш юзасидан 3 (уч) иш кунида ЎзРВБ Ижроия органи қарори қабул қилинади.

Тақдим этилган ҳужжатлар ва маълумотларда камчиликлар аниқланган тақдирда, талабгор 3 (уч) иш куни ичида бу ҳақда хабарор этилади.

Талабгор томонидан камчиликлар бартараф этилганидан сўнг, у ЎзРВБ Ижроия органи қарори билан 3 (уч) иш кунида ЎзРВБнинг “В” тоифаси бўйича аъзолигига қабул қилинади.

8. Талабгор ўзи тақдим этган ҳужжатлар ва маълумотларининг тўғрилиги ҳамда ишончлиги учун жавобгар ҳисобланади.

9. Талабгорнинг ЎзРВБ аъзолари таркибига қабул қилиш санаси ЎзРВБ Ижроия органи томонидан тегишли қарор қабул қилинган сана ҳисобланади.

10. Талабгор ЎзРВБ аъзолигига қабул қилингандан сўнг, у ЎзРВБнинг “В” тоифаси бўйича аъзоларининг реестрига киритилади.

11. ЎзРВБнинг “В” тоифаси бўйича аъзолари “Тошкент” РФБ томонидан унинг аъзоси сифатида ўзаро тан олинади.

Бунда, ЎзРВБнинг “В” тоифаси бўйича аъзосининг “Тошкент” РФБ аъзолигига қабул қилиниши унинг аризаси асосида ЯЭМБда мавжуд маълумотларни текшириш орқали амалга оширилади.

ЯЭМБда ЎзРВБнинг “В” тоифаси бўйича аъзосига тегишли бўлган маълумот тўлиқ мавжуд бўлмаган тақдирда, мазкур маълумот у томонидан қўшимча равишда тақдим этилиши шарт.

3-боб. Биржа аъзосига савдоларда қатнашиш ҳуқуқини бериш

12. “Тошкент” РФБ аъзоси давлат қимматли қоғозлари билан биржа савдоларида қатнашиш учун:

мазкур Тартибга биноан ЎзРВБнинг “В” тоифаси бўйича аъзолар реестрига киритилган;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан давлат қимматли қоғозлари билан операцияларда дилер сифатида иштирок этиш бўйича шартнома имзолаган;

ЎзРВБ билан давлат қимматли қоғозлари бўйича савдо тизимида қатнашиш тўғрисида шартнома имзолаган бўлиши керак.

13. ЎзРВБнинг “В” тоифаси бўйича аъзоси “Тошкент” РФБдаги биржа савдоларига “Тошкент” РФБнинг ички меъёрий ҳужжатларида белгиланган тартибда ўз трейдерини аккредитациядан ўтказиш ва шартнома тузиш орқали қатнашади.

14. “Тошкент” РФБ аъзоси томонидан Тартибнинг талаблари тўлиқ бажарилганидан сўнг, у савдо тизимида қайд этилади ва унга идентификация коди берилади.

15. Трейдерни биржа савдоларида қатнашишига рухсат бериш биржанинг ички меъёрий ҳужжатларига асосан амалга оширилади.

4-боб. Биржа аъзосининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

16. Биржа аъзосининг ҳуқуқлари:

мазкур Тартибнинг талабларига риоя қилган ҳолда, биржа савдоларида қатнашиш ва биржа битимларини тузиш, уларни имзолаш;

Биржа комиссиялари (қўмиталари) фаолиятида қатнашиш;

биржа савдоси натижалари бўйича ахборот олиш;

биржа савдолари қоидаларини ишлаб чиқишда қатнашиш;

Биржа томонидан тақдим қилинадиган хизматлардан фойдаланиш.

Биржа аъзоси қонунчилик ва биржа савдолари қоидаларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлишлари мумкин.

17. Биржа аъзосининг мажбуриятлари:

Биржаларда ўз фаолиятини қонунчиликка ва биржа савдолари қоидаларига мувофиқ амалга ошириш;

биржа битимларини бажариш;

воситачилик мукофоти (йиғими)ни ички меъёрий ҳужжатларда белгиланган миқдор, муддат ва тартибда тўлаш;

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига асосан ҳимоя қилинган ахборотларни учинчи шахсларга ошкор қилмаслик;

ўз трейдерининг қонунга хилоф ҳаракатлари учун жавобгарликни олиш;

биржа савдоларида қатнашиши ва биржа битимларини тузиши билан боғлиқ маълумотларни тўлиқ ва ўз вақтида тақдим этиш;

ўз реквизитларига ўзгартиришлар киритилганида, янги реквизитларни қонунчиликка мувофиқ расмийлаштирилган кундан эътиборан ўн иш куни ичида Биржага тақдим қилиш;

Биржа аъзоси қонунчилик ва биржа савдолари қоидаларига мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлишлари мумкин.

18. Биржа аъзоси Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан давлат қимматли қоғозлари билан операцияларда дилер сифатида иштирок этиш бўйича шартноманинг қайта расмийлаштирилганлиги ёки бекор қилинганлиги ҳақида биржани ёзма равишда хабардор қилиши шарт. Кўрсатиб ўтилган ахборот биржага

мазкур ҳолат юзага келган кундан кейинги 5 иш кунидан кечиктирмаган ҳолда юборилиши керак.

19. Биржа аъзоси Тартиб талабларига мувофиқ ахборот (маълумот)ларни Биржага тақдим қилиш бўйича ўз мажбуриятларига риоя қилмагани учун унга нисбатан биржа томонидан белгиланган чоралар қўлланилиши мумкин.

5-боб. Якуний қоидалар

20. Биржа аъзосининг биржа савдоларида қатнашишини тўхтатиш, аъзолик таркибидан чиқариш ички меъёрий ҳужжатларда белгиланган асосларга кўра амалга оширилади.

Биржа аъзолигидан чиқарилган ва/ёки савдоларда қатнашиши тўхтатилган биржа аъзолари тўғрисидаги ахборот ЯЭМБга 1 (бир) иш куни ичида масъул ходим томонидан киритилади.

21. Ушбу Тартибни қўллашда юзага келадиган низолар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

22. Мазкур Тартиб талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавоб беради.

23. Мазкур Тартиб Кузатув кенгашида тасдиқланган кундан эътиборан уч ойдан кейин кучга киради.

“Тошкент” республика фонд биржаси” акциядорлик
жамияти аъзоларини соддалаштирилган тартибда
“Ўзбекистон республика валюта биржаси” акциядорлик
жамияти аъзолигига қабул қилиш
тўғрисидаги Тартибига
1-ИЛОВА

Ягона электрон маълумотлар базасидаги маълумотлар рўйхати

Т/р	**Маълумот номи**
1.	Ташкилот (банк) номи ва давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, СТИР рақами
2.	Банк лицензияси нусхаси ёки Қимматли қоғозлар бозорида инвестицион воситачи ва ишончли бошқарувчи сифатида касбий фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқини тақдим этувчи ҳужжат нусхаси
3.	Қимматли қоғозлар бозори мутахассисининг малака аттестати ёки трейдернинг давлат қимматли қоғозлари бўйича махсус ўқув курсларида ўқиганлиги бўйича сертификати нусхаси
4.	Трейдерлар рўйхати
5.	Биржа аъзоларининг реестридан маълумот (аъзоликка кириш ва ундан чиқиш бўйича маълумот)

“Тошкент” республика фонд биржаси” акциядорлик жамияти аъзоларини соддалаштирилган тартибда “Ўзбекистон республика валюта биржаси” акциядорлик жамияти аъзолигига қабул қилиш тўғрисидаги Тартибига
2-ИЛОВА

Ўзбекистон республика валюта биржаси Бош директори _____га

Ариза

Ушбу билан Сиздан _____ни
(ташкилот номи)

“Ўзбекистон республика валюта биржаси” АЖнинг **“В” тоифаси** бўйича аъзолигига қабул қилишингизни сўраймиз.

Мазкур Тартиб, “Ўзбекистон республика валюта биржаси” акциядорлик жамиятида аъзолик тўғрисида”ги Низом ва бошқа ички меъёрий ҳужжатлар талабларини бажариш мажбуриятини оламиз.

Илова қилинади:

қайдлов варақчаси;

трейдерлар рўйхати;

савдо тизимида операцияларни амалга ошириш учун ишончнома;

биржа савдолари бўйича ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун махсус ҳисобрақамлар рўйхати;

мансабдор шахсларнинг имзо намуналари туширилган варақча.

_____	_____	_____
ташкилот раҳбари	(имзо)	(Ф.И.О.)

“Тошкент” республика фонд биржаси” акциядорлик жамияти аъзоларини соддалаштирилган тартибда “Ўзбекистон республика валюта биржаси” акциядорлик жамияти аъзолигига қабул қилиш тўғрисидаги Тартибига
3-ИЛОВА

ҚАЙДЛОВ ВАРАҚЧАСИ

1. Тўлиқ ва қисқартирилган фирма номи:

Ўзбек тилида	
Рус тилида	
Инглиз тилида	

2. Юридик манзил, телефон, телефакс, электрон почта

_____

3. Лицензия рақами, рўйхатга олувчи орган ва берилган санаси:

_____

Ташкилотни давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома рақами, рўйхатга олувчи орган ва берилган санаси:

_____

4. Эълон қилинган устав капитали (сўмда) _____

Тўланган устав капитали (сўмда) _____

5. Резерв капитал (сўмда) _____

Тўланган резерв капитал (сўмда) _____

6. Трейдерлар сони:_____

_____

ташкилот раҳбари (имзо) (Ф.И.О.)

Бош бухгалтер (имзо) (Ф.И.О.)

“Тошкент” республика фонд биржаси” акциядорлик жамияти аъзоларини соддалаштирилган тартибда “Ўзбекистон республика валюта биржаси” акциядорлик жамияти аъзолигига қабул қилиш тўғрисидаги Тартибига
4-ИЛОВА

_____ нинг
(ташкилот номи)
давлат қимматли қоғозлари бозорида иштирок этувчи ва савдо операцияларини амалга оширувчи
ТРЕЙДЕРЛАР РЎЙХАТИ
(«___» _____ 2023 йил ҳолатига)

Т/р	Фамилия, Исми, Отасининг исми	Сертификат/аттестат рақами	лавозими	Телефон рақами

_____
ташкилот раҳбари (имзо) (Ф.И.О.)

“Тошкент” республика фонд биржаси” акциядорлик жамияти аъзоларини соддалаштирилган тартибда “Ўзбекистон республика валюта биржаси” акциядорлик жамияти аъзолигига қабул қилиш тўғрисидаги Тартибига
5-ИЛОВА

_____*(ваколат берувчи ташкилотнинг номи)*

_____*(ваколат берувчи ташкилотнинг юридик манзили)*

*Телефон*_____ *факс* _____ *электрон почта*_____

_____*(ваколат берувчи ташкилотнинг тўлов реквизитлари)*

И Ш О Н Ч Н О М А №____

_____ш. Берилган сана _____йил «____»_____

Ушбу ишончнома билан, _____(ваколат берувчи ташкилотнинг номи)_____ номидан (Устав, Низом) асосида ҳаракат қилувчи _____(лавозим, Ф.И.О.),

_____нинг (лавозим, Ф.И.О.) давлат қимматли қоғозлари билан (“В” тоифаси учун) биржа битимларини тузиш ваколатини тасдиқлайди.

Ваколатли шахснинг паспорт маълумотлари:

Паспортнинг серияси ва рақами _____берилган сана _____ йил «___»_____

(Ким томонидан берилган) _____

Ушбу ишончнома билан, _____га (ишончнома берилган шахснинг Ф.И.О.)_____ (ваколат берувчи ташкилотнинг номи) номидан ЎзРВБда битимлар тузишда барча зарур ҳужжатларни имзолаш ҳуқуқи берилмоқда.

Ишончнома олган шахснинг имзосини тасдиқлаймиз_____.

Мазкур ишончнома _____гача амал қилади.

_____

Раҳбар лавозими (имзо) (Ф.И.О.)

Бош бухгалтер (имзо) (Ф.И.О.)

“Тошкент” республика фонд биржаси” акциядорлик жамияти аъзоларини соддалаштирилган тартибда “Ўзбекистон республика валюта биржаси” акциядорлик жамияти аъзолигига қабул қилиш тўғрисидаги Тартибига
6-ИЛОВА

Ўзбекистон республика валюта биржаси Бош директори _____га

_____ ушбу билан Сизга ЎзРВБ билан
(ташкилот номи)

қуйидаги биржа савдолари натижаларига кўра ҳисоб-китобларни ўтказиш учун ҳисобрақамлар рўйхати тақдим этилмоқда:

_____
(бозор (инструмент) номи)

а) сўм ҳисобрақами №_____
(сўм маблағлари тушадиган ҳисобрақам)
банк коди _____, _____
(ҳисобрақам очилган банкнинг тўлиқ номи)

б) сўм ҳисобрақами №_____
(сўм маблағлари қайтариладиган ҳисобрақам)
банк коди _____, _____
(ҳисобрақам очилган банкнинг тўлиқ номи)

_____

ташкилот раҳбари	(имзо)	(Ф.И.О.)
Бош бухгалтер	(имзо)	(Ф.И.О.)